

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НАЗАРОВ ШОМУРОД КОМИЛОВИЧ

**БИР АТОМЛИ ФЕНОЛЛАРНИНГ ВИНИЛ ЭФИРЛАРИ СИНТЕЗИ,
ХОССАЛАРИ, ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ИШЛАТИЛИШИ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз -2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Назаров Шомурод Комилович Бир атомли фенолларнинг винил эфирлари синтези, хоссалари, технологияси ва ишлатилиши.....	3
Назаров Шомурод Комилович Синтез, свойства, технология и применение виниловых эфиров одноатомных фенолов.....	21
Назаров Шомурод Комилович Synthesis, properties, technology and application of vinyl ethers of monatomic phenols.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	42

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НАЗАРОВ ШОМУРОД КОМИЛОВИЧ

**БИР АТОМЛИ ФЕНОЛЛАРНИНГ ВИНИЛ ЭФИРЛАРИ СИНТЕЗИ,
ХОССАЛАРИ, ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ИШЛАТИЛИШИ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз - 2022 йил

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T1785. рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.terstu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедов Воҳид Низомович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Алиқулов Рустам Валиевич
кимё фанлари доктори, доцент
Ширинов Шавкат Давлатович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 03/30.12.2019.Т.78.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. . (Манзил: 190111, Термиз шаҳри Баркамол авлод кўчаси , 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри Баркамол авлод кўчаси , 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.А.Умбаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доц.

Ш.А.Касимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, к.ф.д., доц.

Р.В.Алиқулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, к.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда органик синтез маҳсулотлари, айниқса турли хил функционал гуруҳ тутган бирикмаларнинг тўйинмаган винил ҳосилалари иқтисодиётнинг турли тармоқларида, жумладан, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, кимё саноати, тўқимачилик, лок-бўёқ ва нефт-газ кимёси соҳаларида кенг қўламда қўлланилмоқда. Шу сабабли кимё, нефт ва газ саноатларининг жадал ривожланиши учун, турли хил функционал гуруҳ тутган бирикмаларни виниллаб олинган винил эфирлари қўндирма сифатида қўллаш ёрдамида ёқилғиларнинг хоссаларини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда турли хил органик моддаларни атмосфера босимида ацетилен билан виниллаш жараёнига йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Шунга қўра, фаол водород атоми тутган моддаларнинг винил ҳосилаларини атмосфера босимида юқори асосли системалар иштирокида олиш усулларини яратиш, юқори унум билан винил эфирлари олиш, шунингдек, ёқилғининг эксплуатацион ва физик-кимёвий хоссаларини, сифати ҳамда миқдорий кўрсаткичларини маҳаллий хомашёлар асосида синтез қилинган қўндирмалар ҳисобига яхшилаш, қўндирмалар синтезига турли омилларнинг таъсирини аниқлаш, қўндирмалар қўшилганда дизель ёқилғисининг қуйи ҳароратдаги хоссаларининг ўзгаришини тадқиқ қилиш ва маҳаллий хомашёлар асосида арзон, самарали қўндирмалар олиш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда кимё саноатига алоҳида эътибор қаратила бошланди. “Навоиазот” АЖ, “Электрокимёзавод” ҚК АЖ ва “Бухоро нефтни қайта ишлаш” МЧЖ корхоналарини қайта реконструкция қилиниб, қўшимча цехлар ташкил этилаётган бўлиб, уларда янги технология асосида юқори самарадорлик билан ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида¹ «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш» га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хомашё бўлган ацетилен асосида органик синтез маҳсулотлари ишлаб чиқариш усулларини яратишга, олинган маҳсулотларни тузилишини, физик-кимёвий, технологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сонли “Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 3 апрелдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ПҚ-4265-сонли “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ацетилен асосида винил бирикмалар синтез қилиш бўйича дунё миқёсида Б.А.Трофимов, О.Н.Темкин, Р.М.Флид, Л.Б.Фишер, И.Л.Котляревский, А.А.Петров, Б.Гусев, А.В.Шелкунов, Пару Рам Пао, Л.Панивника, Йоко Ямамото, Биао Жианг каби атоқли олимларни илмий тадқиқот ишлари алоҳида ўрин тутмоқда.

Ўзбекистонда бу соҳада А.Г.Махсумов, К.М.Ахмеров, Т.С.Сирлибоев, Д.Юсупов, А.Икромов, Б.Ф.Мухиддинов, С.Э.Нурмонов, С.Фозилов, Б.Н.Хамидов ва бошқалар томонидан турли ацетилен бирикмаларнинг ингибиторлик, қўндирмалик хоссалари, ацетилен асосида гетероциклик бирикмалар синтези ва фаол водородли органик бирикмаларни виниллаш соҳасида илмий изланишлар олиб борилган ва давом эттирилмоқда.

Ҳозирги пайтда ацетилен бирикмалар кимёси ривожланишида доривор препаратлар синтезига, уларнинг биологик хоссалари тадқиқига, жараёнлар учун юқори асосли ва нанотузилишли системалар яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ароматик бирикмаларни винил ҳосилалари синтези, жараёни атмосфера босимида амалга ошириш технологиясини ишлаб чиқиш, реакция боришини муқобил шароитини топиш, юқори асосли ва нанотузилишли каталитик системаларни қўллаш, виниллаш жараёнини математик моделлашни амалга ошириш ацетилен бирикмалар кимёси ва технологияси соҳаси бўйича замонавий органик кимё ва органик бирикмалар кимёвий технологиясининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур диссертация иши маҳаллий хомашёлардан кенг фойдаланган ҳолда фенол ва унинг ҳосилаларини винилацетилен билан виниллаш жараёни асосида нефть саноати, қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда фойдаланиш мумкин бўлган винилбирикмалар олиш, шунингдек, ушбу жараёнларга янги авлод каталитик системаларини яратиш каби муаммоларни ечишга қаратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №18-18/2021 рақамли “Табиий газ таркибига қўшилувчи одорант моддасини ишлаб чиқариш технологиясини йўлга қўйиш” мавзусидаги “Ўзтрансгаз” АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан тузилган уч томонлама хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фенол ва унинг ҳосилаларини юқори асосли системалар иштирокида винилацетилен билан виниллаш маҳсулоти сополимери асосида қўндирмалар олиш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фенол, о-крезол, м- крезол ва п- крезолни винилацетилен иштирокида атмосфера босимида виниллаш реакцияси натижасида мос равишдаги окси ҳосилаларини олиш;

окси-винилбирикмалар ҳосил бўлиш унумига турли омиллар (катализаторлар ва эритувчилар табиати ҳамда миқдори, реакция давомийлиги, ҳарорат ва бошланғич моддалар моль нисбати) таъсирини аниқлаш;

танланган феноллар ва улар асосида олинган винил ҳосилаларни квант-кимёвий ва молекуляр-динамик ҳисоблаш;

виниллаш жараёнининг кинетикасини ва окси-винилбирикмаларнинг ҳосил бўлиш механизмини тадқиқ қилиш;

танлаган ОН тутган бирикмаларни виниллаш реакциясини тажриба-саноат синовларини ўтказиш;

синтез қилинган бирикмаларни кимёвий хоссаларини ва қўндирма сифатида фаоллигини аниқлаш;

синтез қилинган бирикмалар асосида қўндирма олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фенол, о, м, п-крезол, винилацетилен, метилметакрилат, кальций стеарат олинган.

Тадқиқотнинг предмети фенол, о-крезол, м-крезол ва п-крезол, КОН-ДМСО ва КОН-ДМСО- CsF юқори асосли системалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида ИҚ-спектроскопия, криоскопик ва квант-кимёвий (PM3, MNDO) ярим эмпирик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фенол, о-крезол, м-крезол ва п-крезолни винилацетилен билан атмосфера босимида табиати турлича бўлган эритувчилар ва катализаторлар иштирокида виниллаш жараёнининг кинетикаси аниқланган;

КОН-ДМСО- CsF юқори асосли системанинг танланган фенолларни виниллаш жараёнларининг мақбул шароитлари аниқланган ва танланган фенолларни виниллаш асосида оксивинил ҳосилалар синтез қилинган;

бир атомли феноллар ва уларнинг винил ҳосилаларини квант-кимёвий ҳамда молекуляр-динамик ҳисоблашлар асосида реакцион қобилиятлари аниқланган;

β -феноксипутадиен 1-3 нинг метилметакрилат билан сополимери асосида олинган моддалардан қўндирма сифатида фойдаланиб дизель ёқилғилари хоссаларини яхшилаганлиги аниқланган;

дизел ёқилғиси учун қўндирмалар олишнинг технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фенол, о-крезол, м-крезол ва п-крезол винилацетилен билан атмосфера босимида виниллаш натижасида уларнинг винил ҳосилалари синтез қилинган ва жараёнлар оптималлаштирилган;

синтез қилинган окси ҳосилаларнинг метилметакрилат билан сополимери асосида қўндирмалар олиниб ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказилган ва технологияси ишлаб чиқилган.

синтез қилинган қўндирмалар Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг дизель ёқилғиларининг хоссаларини яхшилаш учун қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг хулосалари ва тавсияларнинг асосланганлиги, замонавий текшириш усуллари орқали (ИҚ-спектроскопия, креоскопик таҳлил ва квант-кимёвий таҳлил усуллари) шунингдек шу йўналишдаги бошқа тадқиқотлар натижаларини ўзаро солиштириш ва ишлаб чиқаришда қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фенол, о-крезол, м-крезол ва п-крезолни атмосфера босимида каталитик виниллашдан окси ҳосилаларнинг ҳосил бўлишида мақбул шароитни топиш учун маҳсулот унумига таъсир этувчи катализатор, эритувчилар табиати ҳамда миқдори, ҳарорат, реакция давомийлиги каби омилларнинг аниқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти синтез қилинган окси ҳосилаларнинг метилметакрилат билан олинган янги, импорт ўрнини босувчи сополимер қўндирмалар дизел ёқилғиси хоссаларини яхшилаш учун фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оксивинил ҳосилалар ва метилмакрилат қўшполимери асосида дизель ёқилғилари учун қўндирмалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

оксивинил ҳосилалар ва метилмакрилат қўшполимери асосида олинган қўндирмалар Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида дизель ёқилғиларининг депрессорлик хоссаларини яхшилашда жорий қилинган (“Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг 2021 йил 3 декабрдаги 03-17-5/190-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган қўндималар олиш технологияси асосида дизель ёқилғилари қуйи ҳарорат хоссаларини яхшиловчи қўндирмалар олиш имкони берган.

янги синтез қилинган оксивинил ҳосилалар ва метилмакрилат қўшполимери асосида олинган қўндирмалар Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида дизель ёқилғиларининг депрессорлик хоссаларини яхшилашда жорий қилинган (“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2021 йил 3 декабрдаги 03-17-5/190 сон маълумотномаси). Натижада, синтез қилинган қўндирмалар дизел ёқилғисига синовдан ўтказилиб, лойқаланиш ҳароратига таъсир этмаган ҳолда, қотиш ҳароратини – 28 °С гача, филтрланиш ҳароратини -19 °С гача яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 5 та, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 та республика, 4 та хорижий журналларда илмий мақола ва 2 та монография нашр қилинган.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Феноллар кимёси ва кўндирмаларнинг ривожланиши”** деб номланган биринчи бобида бир атомли феноллар кимёси ривожланишининг ҳозирги замон тенденциялари, ацетилен кимёсида виниллаш реакциялари, радикал иницирлаш шароитларида полимерлар синтези усуллари, дизел ёқилғиси ва мойлар кимёсида замонавий йўналишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бир атомли фенолларнинг винил эфирлари синтези ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида эса ишлатилган моддалар тавсифи, винилацетилен билан виниллаш жараёни усуллари, синтез қилинган бирикмаларнинг таркибини анализ қилиш билан бир қаторда тажриба услубиёти келтирилган.

Диссертациянинг **“Фенолни виниллаш реакциясини юқори асосли системаларда ўрганиш”** деб номланган учинчи бобида фенол ва фенол ҳосилаларини виниллашда фенолга винилацетилен юқори асосли системада одатдаги босимда, турли хил ҳароратларда таъсир эттирилди ва реакция кўйидаги йўналишда борди.

Фенол ва фенол ҳосилаларини виниллаш жараёнига катализатор табиати таъсири тадқиқ қилинди. Катализаторлар сифатида литий, натрий, калий гидроксидлари ишлатилди.



Қўлланилган катализаторлар ичида нисбатан фаоли КОН бўлиб, бунда маҳсулот унуми бошқаларига нисбатан юқори 38,8 % ни, LiOH ва NaOH қўлланилганда мос равишда 16,6 ва 29,7 %. ташкил қилди. β-феноксипутадиен -1,3 унумини янада ошириш мақсадида фенолни реакцияси КОН-ДМСО-CsF системаси иштирокида тадқиқ қилинди. Ҳарорат 35-85 °С оралиғида олиб борилди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

**Фенолни КОН-ДМСО-CsF системаси иштирокида виниллашда
β-феноксипутадиен -1,3 унумига ҳароратнинг таъсири
(катализатор КОН нинг миқдори фенол массасига нисбатан - 10%)**


№	Реакция ҳарорати, °С	Реакция давомийлиги, соат	β-феноксипутадиен -1,3 унуми, %
1.	35-45	1	16,6
2.	45-55	1	19,9
3.	55-65	1	38,9
4.	65-75	1	34,3
5.	75-80	1	31,2
6.	85-90	1	29,5

Жадвалдан кўринадикки, реакция давомийлиги 1 соат бўлганда β-феноксипутадиен -1,3 нинг унуми 55-65 °С да максимумга эришади. Ҳарорат 55-65 °С да ва реакция давомийлиги 1 соат бўлганда маҳсулотнинг унуми юқори бўлишига сабаб шу ҳароратда оралиқ ҳолатлар ҳосил бўлишининг имконияти кўплиги билан изоҳланади ва бу қонуниятларга мос келади. Ҳароратни 90 °С дан оширилиши эса маҳсулот унумини камайишига сабаб бўлди. Бу ҳолатни синтез қилинаётган винил бирикманинг олигомерланиши ҳамда фенолнинг ва ҳосил бўлаётган маҳсулотнинг қисман оксидланиши ёки юқори ҳароратларда винилацетиленнинг эрувчанлигини камайиши ва маҳсулотнинг деструктив ўзгариши билан тушунтириш мумкин.

Шундай қилиб, фенолнинг виниллаш реакциясининг тадқиқоти асосида оптимал шароит: эритувчи – ДМСО, катализатор КОН миқдори - 10% (фенол массасига нисбатан), ҳарорат 55-65 °С, реакция давомийлиги 1 соат бўлганда β-феноксипутадиен -1,3 нинг унуми 38,9 % бўлади.

Фенолни виниллаш реакциясининг боришига ҳароратнинг таъсири ўрганилганда олинган натижалар асосида турли ҳароратларда β-феноксипутадиен -1,3 унумининг реакция давомийлигига боғлиқлик графиги ҳам тузилди (1-расм).


Олинган тажриба натижаларига кўра, ҳарорат маҳсулот унумига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди.



1 -расм. Турли ҳароратларда β -феноксипутадиен -1,3 унумига реакция давомийлигининг таъсири

Барча ҳолларда олинаётган маҳсулотнинг унуми вақт ва ҳароратга боғлиқ ҳолда ошади. Реакция давомийлиги 4 соат бўлганда ҳароратни 35 дан 85 °C гача кўтарилганда, маҳсулот унуми ҳам мос равишда ошиб камайиши кузатилди. Ҳароратнинг янада кўтарилиши реакциянинг нисбатан секинлаштиради ва 100 °C дан юқорида маҳсулот унуми 25 % дан ошмаслиги қайд этилди.

Синтез қилинган β -феноксипутадиен -1,3 нинг тузилиши эса ИҚ-спектроскопик усул ёрдамида исботланди.



2-расм. β -феноксипутадиен -1,3 нинг ИҚ-спектри.

β -феноксипутадиен-1,3 нинг ИҚ-спектридаги (2-расм) характерли ютилиш соҳалари қуйидагича: фенолдаги –ОН гуруҳ учун 3224 cm^{-1} соҳадаги ютилиш чизиғининг кейинги ҳолатда кузатилмаганлиги, боғланиш ОН гуруҳ

ҳисобидан борганлигидан далолат беради. 1500-1530 см^{-1} – C=C винил гуруҳининг валент тебранишлари, 1420 см^{-1} – метилен гуруҳининг деформацион тебранишлари, 2850-2900, 2980 см^{-1} метилен гуруҳларининг симметрик ва асимметрик тебранишларига чўққилар ароматик ҳалқа (765–756, 1498–1490, 1602, 3065–3057 см^{-1}) ва гидрокси гуруҳ (3342 см^{-1}), =CH₂ (3080-3030 см^{-1}), =CH (3040-3010 см^{-1}), -CH₃ (1395-1365 см^{-1}) эфир гуруҳ учун 1200-1150 см^{-1} мос келади.

β-феноксипутадиен-1,3 нинг метилметакрилат билан қўш полимерланиши

Маълумки, термик ва механик деструкцияга барқарор полимерларни синтезлаш имконини берадиган макромолекуляр дизайн ёндашувларидан бири бўлиб гомополимерга бошқа мономернинг маълум табиатли бўғинларини киритиш усули бўлиб ҳисобланади. Композицион бир жинсли навбатланадиган қўшполимер турли табиатли мономер бўғинлари ўзаро таъсирлашиши ҳисобидан янада барқарор бўлиши керак. Шундай қилиб, β-феноксипутадиен-1,3 иштирокида винил мономерларни қайнатишда уларнинг радикал қўшполимерлаш реакцияси ўтказилди.

Акрил ҳосилалари ва фенолларнинг винил ҳосилалари қўшполимерлари асосидаги янги модификатор олиш ҳаракати мазкур турдаги (таркиб ва структурадаги) макромолекулаларнинг механик деструкцияга юқори барқарорлиги ҳақидаги тахмин билан белгиланади. Бунда шу жиҳат ҳам инобатга олиндики, иккала қўшмономерлар гомополимерлари, шунингдек уларнинг қўшполимери, амалиётда маълум ёқилғи қуюқлаштирувчиси бўлиб ҳисобланади.

Акрил ҳосилалари ва фенолларнинг винил ҳосилалари асосидаги композицион бир жинсли навбатланадиган қўшполимерлар синтези учун мазкур қўшмономерлар нисбий фаоллигидаги фарқликлар билан белгиланадиган мономер аралашмадан қўшполимерлашда пайдо бўладиган бир қатор қийинчиликлар сабабли компенсацион ёндашув қабул қилинди.

Маълумки радикал қўзғатишда қўшполимернинг таркибини белгиловчи омиллар бўлиб мономерларнинг нисбий фаолликлари ҳисобланади.


Қўшмономерлардан бири ноль нисбий фаолликка эга бўлган ҳолатда, бу эса турли тузилишга эга мономерлар билан радикал қўшполимерланишида кузатилади, мономер аралашмадан полимер ҳосил бўлиш юқори тезлиги фаол мономер ортиқча миқдори бўлганида содир бўлади ва бу ҳолатда фаол компонент билан тўйинган қўшполимер ҳосил бўлади.

Мазкур қонуният мономер аралашмадан мономерларнинг қўшполимерланишида кузатилиши мумкин. Мономер аралашмани динитрилазобисизомой кислота иштирокида винил мономерлари жуфтлиги аралашмада фаол компонентнинг ҳатто кичик миқдорида ҳам унинг қўшполимердаги улуши сезиларли (50 мол. % дан юқори) бўлади.

**Динитрилазобисизомой кислота (0,15 мол. %) иштирокида
мономер аралашмада қўшполимерланиши, T=80°С**

Синтез вақти, соат	1	2	3	4
Фаол мономер бўйича чиқиши, %	15	27	55	62

Бунда ҳарорат таъсирида қўшполимерлашни ўтказиш қўшполимер ҳосил бўлиш тезлигининг сезиларли ошишига олиб келади. Шу вақтнинг ўзида синтез ҳарорати ўзгариши билан қўшполимер таркибий қисмида мономер таркибидан қонуниятларнинг сақланиб қолиши шундан дарак берадики, фаол бўлмаган мономер фрагментларининг катта миқдорига эга қўшполимернинг ҳосил бўлиши, массалар сақланиш қонуниятига мувофиқ, унинг ортиқча миқдориди амалга оширилиши мумкин. Реакциянинг бориш схемасини квант-кимёвий таҳлиллар асосида талқин этилди ва бу замонавий текшириш усуллари орқали исботланди.



Компенсацион қўшполимерлаш усули катализаторлар ва қимматли қўшимчаларнинг ишлатилишини талаб қилмаслиги билан бир қаторда, синтезни амалий бажариш нуқтаи назаридан қўшполимерлашни қайнаётган муҳитда амалга ошириш имконияти ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг “Синтез қилинган бирикмаларнинг жорий қилиниши ва техник иқтисодий самарадорлиги” деб номланган IV бобида присадканинг олиниш технологияси ва қўлланилишидаги иқтисодий самарадорлик баён этилган.

Ҳозирги вақтда дизель ёқилғиси хоссаларига бўлган талаб ортиб бормоқда ва бунинг ечими унга киритиладиган турли хил қўшимчалар билан баратараф этиш мумкин. Бундай қўшимчаларга қўндирмаларнинг янги

авлодини мисол сифатида келтириш мумкин.

Барча қўшимчалар сингари қўндирмалар ҳам жуда оз миқдорда (одатда 0,01-0,1 %) қўшилганда қуйи ҳароратларда қотишнинг сезиларли даражада пасайиши ва оқувчанликнинг яхшилайти. Бошқа барча усуллардан фаркли ўлароқ, бу йўналиш нефт маҳсулотлари захираларидан унумли фойдаланишни, нефт маҳсулотлари ва уларнинг паст ҳароратли хоссаларини комплекс яхшиланишини таъминлайди.

Охириги йилларда нефт маҳсулотларига қўндирмалар сифатида таклиф қилинган ва саноатда ишлатиладиган кўпчилик турли-туман кимёвий моддалар орасида синтетик винил, акрил полимерлар ва уларнинг ҳосилалари асосий ўринларда туради.

Бу полимер қўндирмаларнинг бир қатор хоссаларидаги устунликлари билан тушунтирилади: 1. Самарадорлиги анча юқори; 2. Коррозион муҳитлар ҳосил қилмайди (хлор ва бошқа коррозияловчи – агрессив моддаларнинг); 3. Коррозияланишни тезлаштирувчи металларнинг йўқлиги; 4. Тежамкорлиги ва энг муҳими уларни синтез қилиш жараёнида хоссаларини ўзгартириш имконияти кенглигидир. Бунга сабаб қўндирмаларнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи полимерлар кимёси ва технологиясининг ривожига ҳамда охири 10-20 йил ичида тегишли равишда полимер материалларнинг саноат миқёсида кенг турларда ишлаб чиқарилиши кўпайганлигидир. Бу сезиларли даражада нефт ва нефт маҳсулотларининг нафақат қуйи ҳароратдаги хоссаларини яхшилашда балки яна бошқа мақсадлар учун полимерларнинг кенг қўлланишида ўз таъсирини кўрсатди.

Дизел ёқилғилари учун қўндирмаларнинг қўлланилишида асосий ўрин энг арзон хомашё бўлган акрил сополимерлари ва улар асосида олинган қўндирмалар эгаллаб бормоқда. Бу қўндирмаларнинг етакчи гуруҳи билан бир қаторда полимер ва қуйи молекуляр органик бирикмаларнинг бошқа синфлари ҳам кенг қўлланилмоқда

Винил мономерлар ва ММА асосидаги қўшполимер қўндирмалар

Тадқиқотларнинг биринчи босқичида винил мономерлар ММА билан қўшполимерларининг нефть ва нефт маҳсулотлардаги эрувчанлигини баҳолаш амалга оширилди. Бундай тадқиқотларни ўтказиш учун қўшполимер намуналари дизель ёқилғисининг массасига нисбатан 0,1% дан 1 % гача қўшилиб эритмалари тайёрланди.

ММА билан феноксибутадиен-1,3 қўшполимерлари дизел ёқилғисида тез эришини инобатга олиб қўндирма сифатида синовдан ўтказилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ММА қўшполимерлари яхши эрувчанликка эга, шу билан бирга, синтези кўп сонли чок ҳосил бўлиши билан борадиган гомополимери органик эритувчиларда эримайди, бундан эса, қўндирма сифатида қўлланилиш аҳамиятсиз.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган усул механик деструкцияга юқори чидамли қўшполимерларни олиш имконини беради.

Дизель ёқилғиси учун қўндирмаларнинг механик хоссаларига таъсири

Нефть, ёқилғи ва мойларнинг паст ҳароратли хусусиятларини яхшилашнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан фойдали усули

депрессорлардан фойдаланиш бўлиб ҳисобланади. Бу моддалар, кичик миқдорда (одатда 0,01-0,1%) киритилганда, қотиш ҳароратининг сезиларли пасайишига ва паст ҳароратларда суюқликнинг яхшиланишига эришилади. Бошқа усуллардан фарқли ўлароқ, бу йўналиш нефт манбаларидан самарали ва унумли фойдаланишни ва ҳар хил нефт маҳсулотлари ва нефтнинг паст ҳароратли хусусиятларини ҳар томонлама яхшилашни таъминлайди.

Қишда дизель ёқилғисидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган ишларда кўрсатилишича, нефтни қайта ишлаш заводлари асосан умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 89% ини ёзги дизель ёқилғиси, 11% ини қишки дизель ёқилғиси ташкил қилади. Паст қотадиган дизель ёқилғисига бўлган талаб атиги 40% га қондирилади. Бу эса цетан сонининг, қовушқоқликнинг пасайишига, ёқилғи аппаратураси ва двигателининг ейилишига олиб келади.

Бундай аралаштиришнинг асосий муаммоси бўлиб лойқаланиш ҳарорати ва филтрлаш чегаравий ҳароратининг кам пасайиши, яъни ёқилғидан фойдаланиш шартларини белгилайдиган кўрсаткичлар кам ўзгариши ҳисобланади.

Лойқаланиш ҳароратини ва филтрланиш чегаравий ҳароратини пасайтириш ва уларнинг қийматларини юқори қайнаш компоненти томон буриш мақсадида паст қайнайдиган фракцияларни қўллашнинг паст самарадорлиги ёзги дизель ёқилғиси таркибида мавжуд бўлган юқори эрувчан парафин углеводородларнинг ёмон эрувчанлиги билан изоҳланади. Бензин ёки керосин билан суюлтирилган ёзги дизель ёқилғиси аралашмаларидан фойдаланиш нафақат паст ҳароратли хусусиятлар, балки совуқ сақлаш вақтида бундай аралашмаларнинг қатламланиб ажралиши туфайли ҳам самарасиз бўлиб ҳисобланади.

Ёқилғининг 2 қатламга: шаффоф юқори қатламга ва парафин углеводородлар кристалларини сақлаган лойқа пастки қатламга ажралиши уни ишлатишни мураккаблаштиради, чунки реал шароитларда ёқилғи қуйиш бак ёки сиғим пастки қисмидан амалга оширилади, натижада филтрларга аллақачон кристалли фазаси шаклланган ёқилғи тушади. Кристалл фаза ёқилғининг бутун ҳажмига тенг тақсимланган ёқилғи идеал ёқилғи бўлиб ҳисобланади. Синтез қилинган кўндирмалар дизель ёқилғиларига қўшилганда депрессор хусусиятларни яхшилаши лаборатория синовлари методика бўйича ўтказилди. Синов натижалари 3 -жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўришиб турибдики, намуна сифатида олинган дизел ёқилғиси қотиш температураси, совуқ филтрланиш кўрсаткичларига турли хил миқдорда қўшилганда ижобий таъсир этди.

Жадвалдан кўришиб турибдики, намуна сифатида олинган дизел ёқилғиси қотиш температураси, совуқ филтрланиш кўрсаткичларига турли хил миқдорда қўшилганда ижобий таъсир этди.

Юқорида келтирилган текшириш натижалари депрессор-диспергирловчи кўндирмаларнинг дизел ёқилғисига 0,1-0,5 % миқдорида қўшилганда ёқилғининг қотиш ва совуқ филтрланиш кўрсаткичлари бўйича ижобий натижаларга эришилди.

**Синтез қилинган β -феноксипутадиен-1,3 ва метилметакрилатли
депрессор қўндирмаларининг дизел ёқилғиси хоссаларига таъсири**

№	Намунанинг номи	Қўндирма, %	Лойқаланиш ҳарорати, °С	Қотиш ҳарорати, °С	Филтрланиши (совуқ)
1	Дизел ёқилғиси	-	-5	-9	-6
2	Дизел ёқилғиси + НШ1 қўндирма	0.1	-5	-25,8	-17
		0.5	-6	-26	-18,1
		1	-7	-31,6	-20,4
3	Дизел ёқилғиси + НШ2 қўндирма	0.1	-5	-26.5	-18
		0.5	-6	-26.8	-19
		1	-7	-31	-20,5
4	Дизел ёқилғиси + НШ3 қўндирма	0.1	-5	-28.5	-19
		0.5	-6	-35.6	-22
		1	-7	-37	-23,5

Қўндирмаларнинг хусусиятини белгиловчи омил сифатида бирикманинг таркибидаги функционал гуруҳлар кимёвий фаоллигига боғлиқ.

Синтез қилинган қўндирмаларнинг хоссалари хорижий қўндирма хоссалари билан қиёсий таққосланди.

Олинган қўндирмаларни дизель ёқилғиси хоссаларига таъсири

Ҳозирги вақтда дизель ёқилғилари учун кўп функционалли депрессор-диспергирловчи хоссаларга эга бўлган қўндирмалар акрилатлар ҳисобланади. Синтез қилинган қўндирмаларни дизель ёқилғиси массасига нисбатан турли миқдорларда (0,1-1,0 %) Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқарилаётган дизель ёқилғиларига қўшилганда қуйи ҳарорат хоссаларига таъсири лабораторияда синовдан ўтказилди.

Олинган натижаларда намуна сифатида олинган дизель ёқилғиси қотиш ҳарорати, совуқ филтрланиш кўрсаткичларига турли хил миқдорда қўшилганда хоссаларнинг яхшиланганлигини кўриш мумкин. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи марказий лабораториясида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, дизель ёқилғисига метилметакрилат ва феноксипутадиен асосидаги қўндирмадан қўшилганда максимал қотиш ҳароратини, филтрланиш ҳарорати қуйи чегарасини талаб даражасида туширишга эришилди.

НШЗ қўндирма қўшилган дизель ёқилғисининг лаборатория таҳлили ва сифатини назорат қилиш натижалари


Кўрсаткич номи	Назорат усули	Норма учун марка ЭКО-Қ-1 0,100-40 ОКП 02 5130	ЗМЛ	
			Қўндирмасиз дизель ёқилғиси	0,1 % қўндирма қўшилган дизель ёқилғиси
1. Цетан сони, камида	ASTM D 4737	46	52,7	52,6
2. Зичлиги , кг/м ³ , кўп эмас: 20 °С	ГОСТ 3900	860	824,5	824,5
3. Фракцион таркиб: ҳароратда 50 % ҳайдаш, °С, кўп эмас ҳароратда 95 % ҳайдаш, °С, кўп эмас	ГОСТ 2177	280	260	261
		360	348	348
4. Сув таркиби	ГОСТ 2477	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас
5. Филтрлаш қобилияти чекланган ҳарорати	EN 116	-15	-7	-19
6. Йод сони, 100 г ёқилғида, г, кўп эмас	ГОСТ 2070	5	0,5	0,54
7. 10 % қолдиқда кокс ҳажми, кўп эмас	ASTM D 4530	0,20	0,01	0,01
8. Кул миқдори, % (масса улушда), кўп эмас	ГОСТ 1461	0,01	0,003	0,0031
9. Олтингургуртнинг масса улуши, %, кўп эмас, ёқилғида: 1 тури 2 тури 3 тури	ГОСТ 19121	0,100	0,019	0,02
		0,050		
		0,035		
10. Олтингургуртли бирикма масса улуши, %, кўп эмас	ASTM D 3227	0,01	0,0004	0,002
11. Водород сульфид таркиби	ASTM D 3227	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас
12. Мис пластинкасида синаш	ASTM D 130	1 синфга бардош беради	бардош беради	бардош беради
13. Сувда эрийдиган кислота ва ишқор таркиби	ГОСТ 6307	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас

4-жадвалнинг давоми

Кўрсаткич номи	Назорат усули	Норма учун марка ЭКО-Қ-1 0,100-40 ОКП 02 5130	ЗМЛ	
			Қўндирмасиз дизель ёқилғиси	0,1 % қўндирма қўшилган дизель ёқилғиси
14. 20 °С да кинематик қовушқоқлик, мм ² /с, орасида	ГОСТ 33	1,8-5,0	3,8	3,35
15. Кислоталилик, mg, КОН 100 см ³ ёқилғида, кўп эмас	ГОСТ 5985	5	0,3	0,36
16. Ўт олиш нуқтаси, ёпиқ тиглда аниқланади, °С, кам эмас: - газ турбиналари ва тепловоз ва кема дизеллари учун	ГОСТ 6356	40	66	55
17. Умумий ифлосланиш (механик заррачалар), мг/кг (%), кўп эмас	ГОСТ 6370	0,0024	0,002	0,0022
18. Ҳақиқий смола концентрацияси, 100 см ³ ёқилғида мг, кўп эмас	ГОСТ 8489	40	9	10
19. Қотиш ҳарорати, °С, юқори эмас	ГОСТ 20287	-25	-12	-28,5
20. Хираланиш ҳарорати, °С, юқори эмас	ГОСТ 5066	-5	-6	-5

ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁН ТАСНИФИ

Депрессор – қўндирмалар ишлаб чиқариш ҳозирги кунга қадар кўп босқичли бўлиб келган ва доимий тизимга ўтиш имконияти жуда қийин. Шунингдек, бу жараёни мураккаблаштиради, чунки ҳал қилувчи истеъмоли жуда катта. Таклиф қилинаётган муқобил схема, мавжуд усуллардан фарқли ўлароқ, олигомерларнинг сополимерланиши, тозалаш, ҳайдаб олиш билан ўзаро боғлиқлигига ва энергия ва меҳнат харажатлари камайишига асосланади. (3-расм). Таклиф этиладиган принципиал технологик схемада катализаторни умумий массага нисбатан 10 % миқдорида олиниб, эритувчини алмаштириш имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда (энг яхши эритувчи муҳити юқорида айтиб ўтилганидек ДМСО), юқори асосли система (калий гидроксид, юқори асосли система (калий гидроксид, натрий гидроксид), фенол ёки крезол (ишқорнинг эритувчидаги эритмасига эритилган фенол ёки крезол) реакторда аралаштирилиб турилган ҳолда вирилацетилен юборилади (реакциянинг давомийлиги тадқиқига асосан 4 соат атрофида). Реактордаги ҳароратни 55-65 °С гача ошириш учун иссиқ сувдан фойдаланилади.



3.- расм. β -феноксибутадиен-1,3 ва метилметакрилат асосида қўндирма олинишининг приципиал технологик схемаси. 1-ДМСО учун бункер, 2-юқори асосли система учун бункер, 3-фенол ва крезол учун бункер, 4-реактор, 5- бугʻлатгич б-сепаратор, 7-метилметакрилат учун бункер, 8-инициатор учун бункер, 9- реактор, 10-сепаратор, 11-кальций стеарат учун бункер, 12- аралаштиргич 13- тайёр маҳсулот учун идиш

Иситгичда (5) ўтган маҳсулот буғ ёрдамида ҳарорати 85-90⁰С гача етказилиб, сепараторга (6) узатилади. Сепараторда эса системадаги буғ ҳолатидаги эритувчи қуюқ мономердан ажратиб олинади. Кейинги реакторда (9) метилметакрилат (7), иннициатор ДАК (8) керакли миқдорда қўшилиб, жараён ҳарорати бошқарилиб (олиб борилган тадқиқотлар асосида реакция ҳарорати 55-65 ⁰С иссиқ сув ёрдамида ҳарорат бошқарилади), аралаштиргич орқали сополимеризация жараёни олиб борилади. Ҳосил бўлган сополимер реакцияга киришмаган мономерлар ва қўшимчалардан эритувчи ёрдамида тозаланади (10), ГОСТ бўйича кальций стеарат (11) аралаштирилиб (12) гомогенизацияланади ва тайёр маҳсулот сиғимга (13) юборилади.

ХУЛОСА

1. Бир атомли феноллар асосида винил эфирларини синтез қилишнинг мақбул шароитлари аниқланди ва окси винил ҳосилалар олишнинг самарали усули ишлаб чиқилди.

2. Синтез қилинган феноксивинил эфирларининг метилметакрилат билан қўш полимерланиши тадқиқ қилиниб, олигомер ва полимер олиниш шароитлари асосида мономерларни 1:1 нисбатда ДАК иштирокида 80 ⁰С ҳароратда белгиланган хоссали сополимерлар олиш таркиблари таклиф қилинди.

3. Фенол, о,м,п-крезолларнинг винил эфирлари синтези ҳарорат, катализатор ва вақтнинг таъсирига асосланган ҳолда, юқори асосли муҳитда 4 соат давомида 45-65 ⁰С да унум юқори бўлиши топилди ва технологияси ишлаб чиқилди.

4. Феноксипутадиенлар ва метилметакрилат қўшполимерларининг ёқилғи хоссаларига таъсири ўрганилди ва синтез қилинган бирикмаларнинг молекуляр массаси ортиб бориши билан қўндирмаларнинг хусусияти яхшиланиши акрилат ва β-фенокси гуруҳнинг таъсирида юзага келиши аниқланди.

5. Полиметилметакрилатли қўндирмаларнинг дизель ёқилғиси хоссаларига таъсири ўрганилганда, дизель ёқилғиси массасига нисбатан 0,1 % гача қўндирмалар қўшиб эритмалари тайёрлаб текширилганда, лойқаланиш ҳолатига таъсир этмаган ҳолатда дизель ёқилғисининг қотиш ҳароратини –38 ⁰С гача ва филтрланиш ҳарорати қуйи чегарасини –22 ⁰С гача яхшилаши аниқланиб, олинган қўндирмалар қўллаш учун тавсия этилди.

6. Феноксипутадиенлар ва метилметакрилат қўшполимери асосида сифатли қўндирмалар ишлаб чиқилди ҳамда технологияси яратилиб, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг дизель ёқилғиларига синовдан ўтказилиб қўллаш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

НАЗАРОВ ШОМУРОД КОМИЛОВИЧ

**СИНТЕЗ, СВОЙСТВА, ТЕХНОЛОГИЯ И ПРИМЕНЕНИЕ
ВИНИЛОВЫХ ЭФИРОВ ОДНОАТОМНЫХ ФЕНОЛОВ**

02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
(PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Термез – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.4.PhD/Т1785.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета www.tersu.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Ахмедов Вохид Низомович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Аликулов Рустам Валиевич
Доктор химических наук, доцент

Ширинов Шавкат Давлатович
Доктор философии по техническим наукам

Ведущая организация:

Институт общей и неорганической химии

Защита состоится «__» _____ 2022 г. в «__» часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: 111116, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, электронная почта: termizdu@umail.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета № __, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (Адрес: 190111, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, электронная почта: termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.

(протокол рассылки № ____ от «__» _____ 2022 г.).

И.А.Умбаров

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., доц.

Ш.А.Касимов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.х.н., доц.

Р.В.Аликулов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., доц.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня в мире продукты органического синтеза, особенно ненасыщенные производные виниловых соединений содержащих различные функциональные группы, широко используются в различных секторах экономики, в частности, сельском хозяйстве, фармацевтике, химической промышленности, текстильной, лакокрасочной и нефтехимической промышленности. Поэтому для бурного развития химической, нефтяной и газовой промышленности важно улучшать свойства топлив с помощью соединений, содержащих различные функциональные группы.

Сегодня в мире ведутся научно-исследовательские работы по процессу винилирования различных органических веществ ацетиленом при атмосферном давлении. Соответственно, создание способов получения виниловых производных веществ, содержащих активные атомы водорода, при атмосферном давлении с участием высокоосновных систем, получение виниловых эфиров с высокой эффективностью, а также улучшение эксплуатационных и физико-химических свойств, качественных и количественных показателей топлива за счет соединений, синтезированных на основе местного сырья, особое внимание уделено определению влияния различных факторов на синтез присадок, исследованию изменения свойств дизельного топлива при более низких температурах при введении присадок и разработка технологии получения дешевых эффективных присадок на основе местного сырья.

В последние годы особое внимание в стране уделяется химической промышленности. Предусмотрено реконструкция предприятий АО «Навоиазот» и СПАО «Электрохимзавод» и создание дополнительных цехов, обеспечивающих внедрение высокопроизводительного производства ацетилена по новой технологии. В Стратегии² действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены задачи «Продолжение реализации промышленной политики, направленной на обеспечение стабильности национальной экономики, увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте и рост объема производства промышленной продукции в 1,4 раза». В связи с этим большое значение имеют научные исследования, направленные на создание методов производства продуктов органического синтеза на основе ацетилена местного сырья, улучшение структуры, физико-химических, технологических и эксплуатационных свойств получаемых продуктов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указы Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПФ-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Новый Узбекистан на 2022-2026 годы», 2017

² Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

